

**“ Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш ” интерактив  
хизматининг регламенти.**

**1. Хизмат таърифи**

**1.1 Хизмат номланиши**

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали (кейинги ўринларда-университет) расмий сайти орқали “Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш”.

**1.2 Хизмат натижаси**

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали битирганлигини тасдиқловчи хужжатнинг ҳаққонийлиги тасдиқланади ёки рад этилади.

**1.3 Хизмат кўрсатувчи**

Хизмат университет томонидан кўрсатилади.

**1.4 Ҳуқуқий асослар**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакиллантириш ва “Электрон ҳукумат ” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашининг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2015 йил 17 декабрдаги 365- сонли қарорми.

- Ўзбекистон Ресупубликаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори

**1.5 Хизматдан фойдаланувчилар**

Жисмоний ва юридик шахслар.

**1.6 Ариза бериш муддатлари**

Муддати чекланмаган.

## 1.7 Бажариш муддатлари

1-3 кун

## 2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш.

### 2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- Хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш таркиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва таркиби ҳақидаги маълумот;
- Хизматдан қойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- Ариза бланкасини тўлдириш таркиби ҳақида маълумот;
- Хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- Хизматнинг регламенти иавжудлиги тўғрисида маълумот

### 2.2 Батафсил маълумот олиш

Университетнинг расмий веб-сайти орқали.

### 2.3 Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

191200 Сурхондарё вилояти Термиз тумани Лимонзор қишлоғи “Янгиобод” маҳалласи Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали.

## 3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

### 3.1 Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: Душанба-Шанба соат 08<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача

### 3.2 Кутиш шартлари

1-3 кун

## 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1 Зарур бўлган ҳужжатлар

- ЭРИ (электрон рақамли имзо).
- жисмоний шахснинг шахсий индентификацион рақамли (НИНФЛ)

### 4.2 Хизмат тўлови

Бепул

#### 4.3 Хизмат кўрсатиш босқичлари.

- Университетнинг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:
- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтказилади ва тизимга кириталади.
  - “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш” хизмати танланади:
    - Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади.
    - Дипломнинг серияси ва рақамини киритилади.

#### 4.4 Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

- Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалини тугатган талабаларнинг диплом маълумотлари олдиндан Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг маълумотлар базасига киритилган бўлади ва фойдаланувчи томонидан киритилган диплом серияси ва рақами маълумотлар базасидан автоматик равишда текширилади ва маълумотнома элекрон нусхаси шакллантирилади.
- Агар мурожаат этувчи томонидан сўралган маълумотлар дипломлар базасидан топилмаса, рўйхатдан ўтган электрон почта манзилига бу ҳақида маълумот масъул ходим (масъул ходимнинг Ф.И.Ш лавозими, телефон рақами) томонидан жўнатилади. Масъул ходим қайта таҳлил қилгандан кейин, талаба сўралган маълумотлар университетда мавжуд бўлса, 3(уч) кун ичида базага киритилади, акс холда сўралган топилмаганлиги ҳақида хабар жўнатади.

#### 4.5. Рад этиш сабаблари

- диплом серияси ва рақами тўғри киритилмаганлиги.
- жисмоний шахснинг идентификацион рақами (ПИНФЛ) нотўғри киритилганлиги.

### 5. Хизмат кўрсатиш сифати.

#### 5.1. Шикоят аризасини бериш тартиби.

Рад этиш холларида аризачи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиш мумкин.

“КИРИТИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали Мониторинг ва ички  
назорат бўлими бошлиғи

Б.Норматов

“ 24 ” ноябрь 2017 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали Ахборот  
технологиялари маркази бошлиғи

Н.Бойсунов

“ 24 ” ноябрь 2017 йил